

Таҳрир ҳайъати раиси:

Х.Б.Юнусов – СамДВЧБУ ректори,
б.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – ЎЗР ФА академиги
А.И.Ятусевич – РФА академиги
Э.Д.Джавадов – РФА академиги
Я.А.Юлдашбаев – РФА академиги
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси
Б.Норқобилов – *Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлан-
тириш давлат
қўмитаси раиси*

А.Орипов – профессор
Ҳ.Салимов – профессор
Ш.Джаббаров – профессор
А.Даминов – профессор
Р.Давлатов – профессор
Қ.Норбоев – профессор
Б.Б.Бакиров – профессор
Н.Дилмуродов – профессор
Ф.Акрамова – б.ф.д., профессор
Б.Элмуродов – в.ф.д.
Н.Юлдашов – в.ф.д.
Х.Ниёзов – в.ф.д.
Б.Нарзиёв – в.ф.н., доцент
Х.Бозоров – в.ф.н., доцент
Р.Рўзиқулов – в.ф.н., доцент
А.А.Белко – ВДВМА доценти
Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

**Бош муҳаррир вазифасини
бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси,
“AGROZOOVETSERVIS”
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2018 йил 2 февралда
0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан
чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22.

Таҳририят манзили: 100022, Тошкент
шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 307-01-68,

Факат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 3600.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 28.04.2022.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп

этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нарҳда.

© Veterinariya meditsinasi, #04 (173) 2022

“PRINT-MAKON” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Чилонзор тумани, 25 мавзе,

47-уй, 45-хонадон.

Бугуннинг нафаси

Илм-фан ривожини давр талабидир 3
А. Алиқулов – Ветврачлар эл хизматида 4

Юқумли касалликлар

У.М.Файзиёв, Г.Х.Мамадуллаев – Туберкулёзда аллергик
реакция мезонлари ва туберкулинизация услублари ҳақида 8
З.Н. Киямова, Б.А.Элмуродов – Паррандаларнинг респиратор
микоплазмоз ва сальмонеллёз касалликларининг
биргаликда кечиши 10
А.Х.Хушназаров, Р.Б.Давлатов – Куён эймериозининг
эпизоотологияси ва даволаш чора-тадбирлари 11
Г.Х.Мамадуллаев, У.М.Файзиёв, О.К.Джурақулов,
А.Т.Тўхлиёв – Туберкулёз микобактерияларга қарши
янги препаратнинг “In vivo” синовлари 14

Юқумсиз касалликлар

Б.Ч.Солиёв, Б.М.Эшбуриёв – Маҳсулдор сигирларда
руҳ ва йод етишмовчилигида гематологик кўрсаткичлар ва
репродуктив аъзоларнинг функционал ҳолати 19

Паразитар касалликлар

Э.В. Мурадова, А.С. Даминов, Л.Х. Яхшибаева – Изучение
состава жидкости ларвального эхинококка на наличие
сопутствующей микрофлоры паразита 22
Р.М.Урақова, Г.С.Самеева – Балиқлар лигулёзининг
клиник белгилари 24

Анатомия

Х.Б.Юнусов, А.Р.Мухиддинов, Н.Ш.Камолов, А.А.Максудова –
Роста и развитие массы тела и скелета памирского
яка в онтогенезе 26

Акушерлик ва гинекология

С.В.Абдиёев, Н.Т.То‘хтамисhev, Н.В.Нийозов – Sigirlarda
tug‘ishdan keyingi endometritlarni turli usullar bilan davolashda
qonning morfologik ko‘rsatkichlari 32

В память о Тен Руслане Моисеевиче 35

Chairman of Editorial Board:

X.B. Yunusov – doctor of biology, professor

Editorial board:

J. Azimov – academic
 A.I. Yatusevich – academic RAN
 E.Dj. Djavadov – academic RAN
 Y.A. Yuldashbayev – academic RAN
 D.A. Devrishov – correspondent RAN
 B. Norqobilov – Chairman of the
 state Committee of
 Veterinary and Livestock
 development of the
 Republic of Uzbekistan
 A. Oripov – professor
 X. Salimov – professor
 Sh. Djabbarov – professor
 A. Daminov – professor
 R. Davlatov – professor
 Q. Norboev – professor
 B.B. Bakirov – professor
 N. Dilmurodov – professor
 F. Akramova – doctor of biology, professor
 B. Elmurodov – doctor of veterinary
 N. Yuldashov – doctor of veterinary
 X. Niyozov – doctor of veterinary
 B. Narziev – doctor of veterinary
 X. Bozorov – doctor of veterinary
 R. Ruzikulov – doctor of veterinary
 A.A. Belko – dotsent VDVMA
 D.N. Fedotov – dotsent VDVMA

Acting Chief Editor:
 Abdunabi ALIKULOV

Editors:
 Dilshod YOLDOSHEV

Designer:
 Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:
 State Committee of Veterinary and
 Livestock development of the Republic of
 Uzbekistan

Founders:
 State Committee of Veterinary and Live-
 stock development of the
 Republic of Uzbekistan,
 “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and
 News agency by 0284**

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent,
 100070. Editorial address: 4,
 Kushbegi, 22
 Tashkent, 100022
 Tel.: 99 307-01-68,
 97 770-22-35

Web-site: www.vetjurnal.uz
E-mail: zooveterinariya@mail.ru
circulation: 3600
Index: 1162

Permitted for print: 28.03.2022. Format
 60x84 1/8 Printed by Offset printing 4,25
 press works Order #414 Free price.
 © “Veterinariya meditsinasi”, #04 (173) 2022

Printed by “PRINT-MAKON”
 Co., Ltd., Tashkent city.
 47/45, Chilanzar 25 quarter .

Today’s sentiment

Science development in modern society3
A. Alikulov – Veterinary is on duty today4

Contagious diseases

U.M. Fayziev, G.Kh. Mamadullayev – Criteria of allergic reactions
 and methods of tuberculinization8
Z.N. Kiyamova, B.A. Elmurodov – Simultaneous course
 of respiratory mycoplasmosis and salmonellosis of birds10
A.Kh. Khushnazarov, R.B. Davlatov – Epizootology of rabbit
 eimeriosis and treatment measures11
 Г.Х. Мамадуллаев, У.М. Файзиев, О.К. Джуракулов,
G.Kh. Mamadullaev, U.M. Fayziev, O.K. Djurakulov,
A.T. Tukhliev – Tests of new drug “In vivo” against mycobacterium
 tuberculosis14

Non-contagious diseases

B.Ch. Soliev, B.M. Eshburiev – Hematological indications of zinc
 and iodine deficiency in productive cows and functional status of
 reproductive organs19

Parasitic diseases

E.V. Muradova, A.S. Daminov, L.Kh. Yakhshibaeva – Study of
 the composition of the fluid of larval echinococcus for the presence
 associated microflora of the parasite22
R.M. Urakova, G.S. Sameeva - Clinical signs of fish ligulosis24

Anatomy

Kh.B. Yunusov, A.R. Mukhiddinov, N.Sh. Kamolov, A.A. Maksudova –
 Growth and development of body weight and skeleton of the
 Pamir yak in ontogeny26

Obstetrics and gynecology

S.B. Abdiyev, N.T. Tukhtamishev, H.B. Niyazov – Blood
 morphology in the treatment of postpartum endometritis in cows by
 different methods32

Memory

In memory of Ten Ruslan Moiseevich35

ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ДАВР ТАЛАБИДИР

Тахририятдан: Президентимизнинг жорий йил 31 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра, СамВМИ Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига айлантирилди. Бу қутлуг янгилек билан барча илм аҳлини, ветеринария фидойиларини, университет жамоасини самимий табриклаймиз ва ҳурматли устозлару талабаларнинг хайрли ишларига ривож тилаймиз. Янги имкониятларга эга бўлган илм даргоҳидаги ўзгаришлар ҳақида университет ректори, биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор Худойназар Бекназарович Юнусов куйидагиларни сўзлаб берди.

Ҳаёт шиддат билан ўзгариб, илм-фан янгидан янги кашфиётлар билан тўлиб тошган маҳал давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, институтнинг университетга айлантирилиши ҳеч шубҳа йўқки, илмий салоҳияту, кадрлар тайёрлаш сифатини мутлақо янги поғонага кўтаради.

Бу тарихий қарор илмий жамоа, таниқли олимлар, соҳа мутахассислари, мутасаддилар зиммасига шунчаки ваколат эмас, балки кагта масъулият юклаши ҳам тайин. Бу янгилек туфайли минтақадаги таянч олий таълим муассасаси олдидаги вазифалар янада кенгайиши ҳам муқаррардир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш университетнинг устувор вазифалари этиб белгиланди.

Жорий йилда биринчи қалдирғочлар таълимнинг бакалаврият таълим йўналишларини битирадилар ва уларга университет дипломи берилди. Айримлар магистратурада таълимни давом эттиришади, қолганлар 4 йил давомида олган билимларини амалиётга жорий этадилар.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси Б.Норқобилов бир неча маротаба талаба - ёшларнинг битирув имтиҳонларида, дарс жараёнлари ва малака амалиётларида иштирок этди. Кўмита томонидан аълочи талабалар ҳамшиша рағбатлантирилиб, пул мукофотлари билан тақдирланмоқда. Ўйлайманки, бу хайрли ишлар келгусида янада самарали бўлади.

Дунёда ветеринария соҳаси аслида жуда юксак баҳоланиб, озиқ - овқат хавфсизлигига масъул бўлган мутахассислар сифатида юқори маош олишади. Таълим муассасаси тайёрлаётган ёш мутахассис кадрлар ҳам бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги компанияларда, хўжаликларда фаолият кўрсатмоқда.

Масалан, Ғанижон Бегбоев институтнинг ана шундай мутахассисларидан бири. Ҳозирги кунда у Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги «Бухоро агрокластер чорва» МЧЖ да бош ветеринария врачлари лавозимида ишлаб



1,5 минг АҚШ доллори миқдорда ойлик маоши олади. Ғанижон каби ёшлар Сирдарёда (маоши 18 млн сўм) ва бошқа вилоятларимизда ҳам бор. Демак, хориждан кагта пул эвазига мутахассис ёллашга ҳожат йўқ. Мутахассисларни ўзимизда тайёрлаймиз ва улар рақобатбардош кадрлар бўлади.

Университет зиммасига кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси юклатилди.

Ветеринария мутахассислари Халқаро Эпизоотик Бюро стандартлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган муддатда тайёрланиши зарур. Биз айни кунда АҚШнинг Миннесота Университети билан ўқув дастурлари ва режаларимизни мувафиқлаштиряймиз. Хориж билан ҳамкорлик алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Яқинда СамВМИ бир гуруҳ олимлардан иборат бўлган делегацияси Америка сафарига бўлиб, у ердаги таълим жараёнлари билан яқиндан танишиб қайтди. 2022 ўқув йилидан бошлаб бизда ҳам 5 йиллик таълим тизими жорий этилади.

Университет таянч ОТМ сифатида ҳудудларда ташкил этиладиган таълим муассасаларига ҳам моддий техник базани шакллантириш, профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, шунинг ўқув дастурлари бўйича ҳам кўмак беришимиз зарурлиги белгиланган. Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида озиқ-овқат хавфсизлиги йўналиши бўйича факультет ташкил қилишга кўмаклашяймиз.

Университетда бугун 23 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Кафедралар ўз йўналишлари бўйича мамлакатимизнинг турли вилоятлари, ҳудудларига бириктирилган. Улар йил давомида ўзларининг тасарруфидаги жойларда 2 кунлик семинар-тренингларни мунтазам ўтказиб боришмоқда. Жумладан, балиқчилик, паррандачилик, қорамолчилик, асаларичилик, йилқичилик ва бошқа соҳаларда ташкил этиладиган бу семинарлар хўжаликлар, фермерлар ва тадбиркорлар учун жуда фойдали ва самарали бўлиши тайин. Қаерда муаммо бўлса, олимлар ўша муаммони ўрганишади, ечим топишади, шу тариқа тадқиқотлар натижаси амалиётда ўз аксини топади.

ВЕТВРАЧЛАР ЭЛ ХИЗМАТИДА

Бухоро вилояти. “Дўстлик” ордени соҳиби, меҳнаткаш инсон Али Солиевнинг нафақат Ғиждувонда, балки кўшни туманларда ҳам дўстларию ҳамкорлари кўп. Телефони тонг қоронғусидан тун ярмига қадар тинмайди. “Лаббай, Солиев эшитади, нима гап, шошилмасдан гапиринг”, дейди у мулоимлик билан. Баъзан “молимни кўриб кетинг, бўлмаса устингиздан ёзаман”, дейдиганлар ҳам учраб қолади. Бундай гапларни эшитганда ҳам Солиевнинг асаби бузилмайди, чунки у оғир босиқ, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотган, ўзининг билимдонлиги, меҳнатсеварлиги ва айна пайтда ширинсўзлиги билан қадр топган. Солиевни туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Элмурод Мажидов билан бирга расмга олдик. Ветврачдан ишни нимадан бошлайсиз деб сўрадим. У чакириқлар рўйхатини кўрсатди, 22 та. “Эрталабдан кўнғироқ қилганлар бу. Ўғлим билан шу одамларнинг барчасини кўришим, чорчасини даволашим керак, тагин эмлаш ишлари, маҳаллабай режалар ижроси бор.” У жилмайиб кўйди. Демак шошяпти, бунни айтмайптию аммо фаҳмлаш қийин эмас. “Сарвари”ветучастка мудирини бўлиб ишлаётган ва 40 йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисга оқ йўл тиладик. Мукофотлар кўшалок бўлсин, дедик.



– Туманимизда мана шундай ўз касбининг фидоийси саналган ветврачлар кўп. Чунки аҳоли ва чорвадор фермерларга хизмат қилиш учун 17 та ветучастка мавжуд. Ветучастка мудирларининг 7 нафарига замонавий жиҳозланган контейнердан иборат ишхона олиб бердик, – дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Элмурод Мажидов. – Ўтган йил пойтахтдаги “Ўзнаслчилик” корхонасидан олиб келинган зотдор букаларнинг уруғлари билан 15минг бошдан ортиқ сигир ғунажинларни сунъий уруғлантиришга эришдик. Бу хизматимиздан аҳоли мамнун. Чунки одамлар зотдор бузоқ туғилиши кони фойда эканлигини, жайдарига нисбатан зотдор молга харидор кўплигию тўртбеш карра қимматлигини билиб қолган. Келгусида соҳа янада ривожланса, худди чет элдагидек ветврачларимиз замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлишса, ютуқлар янада кўп бўлади.

Навоий вилояти. 50 йилдирки, ветеринария касбини ардоқлаб келаётган Низом Исмоиловни ҳеч ким 72 баҳорни қаршилаган, деб ўйламайди. Камтарин, меҳнаткаш ва юзлаб мутахассисларнинг устози саналган бу инсон асосий вақтини ишхонада ўтказмоқда. Бу йил Конимех туманида ҳам яшил макон яратиш, дарахт ва гул ниҳоллари экишга катта эътибор қаратилди. Низом ака жамоасини шу хайрли ишга жалб этди. Ўзи энг



шимариб, белкуракни олдию мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш учун чуқурча қовлашга киришиб кетди. Оқсоқолнинг бу ташаббуси ёшларга илҳом берди. Айна чоғда ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари ҳавфсизлиги марказининг ҳовлиси гулларга бурканган, дарахтлар мевага тўла, ичкарида эса иш қизғин. Низом Исмоилов ҳар бир мутахассиснинг узлуксиз ишлаши учун шароит яратиб берган. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Арис Азирбаев, эпизоотолог Асет Жанқужаев, Мавлуда Калиева, Абай Райханов, “Чорванасл” ҳудудий марказининг вакиллари Ақлбек Утоусов, Заҳриддин Нарзиев сингари юзлаб иқтидорли ветврачлару мутахассислар Исмоиловни ўзларининг меҳрибон устози деб билишади. Низом устознинг таъкидлашича, ташхислаш ветеринариянинг том маънода юрагидир ва бўлғуси мутахассис албатта шу ерда тобланиши керак.

– Ҳайвон нимадан ўлган, унинг организмда қандай ўзгаришлар юз берган, озуқа таркибию ҳавфли касалликлар ташхиси, ҳатто куйдирги касаллиги билан гумонланган тупроқлар ҳам шу ерда микроскоп ва бошқа воситалар кўмагида текширувдан ўтади, барча-барчаси, иллату гумонлар мана шу ерда ойдинлашади. Амалиётга келган талабаларни ўзим имтиҳон қилиб, уларга керакли маслаҳатлар бераман. Шу боис шогирдларим орасида зўрлари кўп, – дейди конимехлик ветврачлар устози. Биз унга мустаҳкам соғлик тиладик, кўнғилда ҳавас уйғонди, улуғ ёшга етганда шогирдлар қуршовида, сеvimли касбада, ардоқли бўлиб яшаш – бундан ортиқ бахт борми?..

Наманган вилояти. Мингбулок туманида тажрибали ветврач Абдуҳамид Маматовни кўпчилик яхши билади. Узок йиллар ветеринария тизимида самарали меҳнат қилди, эл хизматида бўлиб қадр топди. Сўнг туман марказида ветеринария дорихонасини очиб, ўғли Абдуҳамид Маматовни ҳам соҳага кизиқтирди. “Ўғлим ёнимда бўл,



яхши гапириб, жўяли маслаҳат билан миҳозни кўпайтир, ветдорихонада ишлаётган киши ўқиб-ўрганишдан чарчамаса, албатта, одамлар унинг гапига кулоқ тутати,” деди. Шу тариқа Абдуҳамид тенгдошларига ўхшаб чет элларда сарсон бўлиб юрмади, ота дуосини олиб, ишга киришди. Аини чоғда тумандаги чорвадору ветврачлар шу йигитга ҳамкор, у эса “йўқ” деган гапни билмайди. Лавзи бутунлиги ва ишбилармонлиги туфайли ветеринария дори воситалари қатори ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ҳам савдога қўйган. Бир сўз билан айтганда, диёнату инсофни йўқотмаган ҳолда пул топяпти. Унинг хизматидан чорвадор фермерлар ҳам мамнун.



Тўрақўрғон туманида 7 та ветучастка бор. Уларда меҳнат қилаётган барча мутахассислар эпизоотолог Раҳимжон Нишонунинг шогирди. У эса 44 йилдирки, бўлимда ишлаяпти. Россиянинг Омск ветеринария

институтини битириб келганида, мўйлови эндигина сабза урган чиройли йигит эди, йиллар ўтиб оилали бўлди, фарзандлар туғилди, тўйлар қилди ва шу тариқа сочларига оқ тушди.

– Яратганга шукр, юртимиз тинч, аҳоли қарамоғида ҳам кластерларда ҳам насли мол кўпаймоқда. Одамлар қорамолу қўй-кўзи боқиш орқали даромадини кўпайтиришга интилоқда. Давлат раҳбари ташаббуси билан чорвачилик соҳасига субсидиялар берилаётгани ҳам қувончли ҳолат. Буларнинг бари бизни янада ғайратли бўлишга ундаяпти, – дейди Раҳимжон Нишон. – Шогирдлар ҳақида гап кетганда эса, улар орасида Юсупбойнинг ўрни бўлакча. У ҳозир деҳқон бозоридаги ВСЭЛда ишлаяпти. Камтарин йигит, агар диёнатли одамлар ҳақида ёзмақчи бўлсангиз, уни ҳам тилга олинг.

Поп туманидаги марказий ветучастка мудир Дилшод Бойқобилоннинг айтишича, билимли кишини одамлар бошига кўтаради, уни сўроқлаб келадиган ҳам кўп. Чунки қишлоқда яшаётган одамнинг ҳовлисида албатта чорва бор. Ўзи тўқ одамлар ҳатто беш-ўн бош сирғирни зотдорига алмаштиришни ҳам удалаяпти. Улар озуқа етишмайди, молим касал деб нолимайди ҳам. Сунбий уруғлантириш, насли бузоқ олиш, унинг савдоси билан шуғулланиш янги Ўзбекистонда даромадли касбга айланган. Яширадиган жойи йўқ. “Ўзнаслчилик” корхонасидан келадиган зотдор буқа уруғи 10 минг сўм. Агар шу уруғни сирғир ё гунажинга қўйиб, соғлом бузоқ туғилишига қафолат беринг, уй эгаси бизга юз минг бериши аниқ, хасисроқ бўлса 60 минг сўм



беради. Ундан кам эмас. Кўриб турганингиздек, меҳнатга яраша мукофот бор. Шунинг учун ким зўр, тажрибали ва зукко ветучастка мудир зўр. Дилшодбекнинг ёнида турган кишиларни ҳам таништириб ўтайлик. Шерали Холматов бошлиқ муовини, Аҳмаджон Турдалиев эса бош мутахассис. Улар хавфли касалликларга қарши эмлаш, эпизоотик тадбирларни сифатли бажаришни каттик назоратга олишган. Ана шу сабабли ҳам Поп туман ветеринария тизимида муаммо йўқ.

Фарғона вилояти. Ёзёвон, Фурқат туманларида меҳнат қилаётган ветврачларнинг сўзларига қараганда, вилоят ҳокими томонидан чорвачиликни ривожлантириш, аҳолига чорва моллари, парранда тарқатиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу борада давлат раҳбари томонидан берилган топшириқлар ижросига киришилган. Ёзёвон туманида бўлганимизда, бу йил юзлаб гектар ерларга соя экилганга гувоҳ бўлдик. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Раҳматилла Мамажонов соя пайкалида расмга ҳам тушди. Чўл бағрига экилган соядан юқори ҳосил олинса, деҳқон учун ҳам чорвадор учун ҳам бағоят фойдали бўлади. Соя ёғи одамларга, соя чиқиндиси чорвага тўйимли озуқа демак. Бу экологик тоза ва юқори сифатли маҳсулот имконини яратади. Ахир биз доимо ҳавас билан гапирадиган АКШда чорва парранданинг жони соя билан тирик. Ана шу янгилик энди бизга кириб келмоқда. Раҳматилла ака ана шундан хурсанд. Фурқат туман деҳқон бозоридаги ВСЭЛ ходимлари Даврон Қурбонов, Мастура Валиевалар ҳам экологик тоза маҳсулот етиштиришнинг инсон саломатлигидаги ўрнини алоҳида таъкидлашди. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими



бошлиғи Маъруфжон Ғаниев эса ёш мутахассислар малакасини оширишга, устоз-шогирд тамойилларига таянган ҳолда эпизоотик тадбирларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган. Ветврачлар туну кун эл хизматидан экан, бу яхши, аммо муаммолар йўқми дерсиз? Афсуски, бу икки туманда ҳам бўлим бинолари буткул эскирган, ветеринария хизмати бўйича маҳсус автомашиналар йўқ, янги асбоб-ускуналарга эҳтиёж катта. Ветучастка мудирлари худди уруш давридагидек ўз асбоб-ускуналарини қўлида ё бўйнига доимо осиб юришга мажбур. Чунки

ветучасткаларнинг биноси йўқ. Бу масала катта муаммо эканлиги туман ҳокимларига ҳам, вилоят раҳбарига ҳам маълум, аммо ҳал этилгани йўқ. Мана шундай оғир шароитда бўлса-да ветврачлар маҳаллабай ишлашга киришиб кетган. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиқлари гоҳ пахта экишга, гоҳ ғалла суғоришу уни озиклантиришга жалб этилмоқда. Бу раҳбарларнинг асосий иш билан шуғулланишга вақти кам қоляпти. Ҳокимлар эса ветеринария хизмати учун етарли шарт-шароит яратишга келганда кўзи кўр, қулоғи қар қиёфага кирмоқда. Беихтиёр афсус, фарғоналик гапга чечан мутасаддилар ветучасткаларга бодан ортиқ контейнерларни ҳадя қилган Самарқанд вилоят ҳокимидан ўрнак олса бўлмасмикин, дейсиз...

Қува туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Баҳриддин Ахунов устози Холмирза Юсуповдан миннатдор. Чунки устоз ёшларга меҳрибон, билганини шогирдларига эринмасдан ўргатади ҳам. Баҳриддин ўқишни битириб келган маҳал



бошлиқнинг олдига қимтиниб кирди, ёшман, ишга олармикин, дея ҳавотирга тушди. Холмирза ака эса ёш мутахассисга ветучасткани ишониб топширди. Бирор масалада муаммо туғилса ё ташхис қўйишда иккилансанг тортиниб ўтирма, бемалол кўнғироқ қилавер. Яқинроқда бўлсам ўзим бораман, деди. Бу гап Баҳриддинбойни руҳлантирди, устозига руҳан суяниб ишга киришди. Тез орада ҳамкасблари ўртасида одамлару чорвадорлар энг кўп сўрайдиган зукко ветврач сифатида тилга тушди. Тақдирни қарангки, йиллар ўтиб бошлиқ бўшади, ўрнига шогирд раҳбар бўлди. Оқибатли йигит очик-ошқора устозини мақташдан эринмайди, чорвадорлар ҳузурига борганда ҳам юринг, Холмирза дейди. Биз Қувада бўлган кун ҳам ҳам шундай бўлди. Устоз-шогирд билан тумандаги “Салоҳиддин имкони” фермер хўжалиги фаолияти билан танишдик. Мазкур фермада 565 бош қорамол бўрдоқига боқилмоқда. Фермага қарашли 102 гектардаги дала юмушларига ҳам иш бошқарувчи Нуриддин Жўраев бош-қош. 35 бош сигир ферма ишчиларини узлуксиз сут билан таъминляпти. Фермер Зайнобиддин Жўраев ветеринария хизматидан мамнун эканлигини алоҳида таъкидлади.

– Эмламалару дори-дармонлар ўз вақтида келяпти, ветврачлар ҳам доимо ишга шай, фақат ишлаш, кўпроқ маҳсулот етиштириш лозим, – дейди Нуриддинбой.

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида бўлганимизда, яна бир муаммога дуч келдик. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ходимлари ҳамроҳлигида Наврўз маҳалласи, Хувайдо кўчаси 7-уйда яшовчи Мирзаҳамдам Амонов билан суҳбатлашдик. У 28 март куни 100 бош қизил товукларни боқишга киришган экан. Шу кунгача 20 бош товук ўлиб қолган, яна 15 таси сулайиб ётибди. Уй эгасининг боши қотган, жониворлар нимага ўляпти, нега тухум бермаяпти, билолмай ҳалак.

– Нонвойман, қунига бир коп унни нонга айлантириб тирикчилик қиламан, бу товуклар менга дардисар бўлди, шунча товукдан кеча ўнтагина тухум олдим.”Пахтаободпарранда” корхонаси берган жониворлар бошқа ҳудудларда ҳам ўлиб кетяпти. Сабабини билолмаяпман, – дейди у. – Илгари ҳам товук бокқанман, аммо бу зотдор товук ўта инжиқ экан.


Маълум бўлишича, бу жониворларни Нўъмонжон Рўзиохунов деган тадбиркор 20 кунлик еми билан келтириб берган экан. Тадбиркор билан суҳбатлашдик, унинг айтишича, у 28 март куни 900 бош товукни “Пахтаободпарранда”дан банк кредити эвазига (ҳар бир товукни 96минг сўмдан, бу нархни эшитиб баттар ҳайратимиз ошди, ахир бу ажабтовур товуклар бир кило ҳам тош босмаяпти, бозорда эса шу пулга 100 дона тухум ё 3 кило товук гўшти беради... Тавба.) олгану 8та хонадонга бой бўлинг, товук боқинг, дея тарқатган. Товук тарқатилганидан ҳудуддаги ветврач беҳабар, у маҳаллабай айланганда, товуклар пайдо бўлганини этишган. Керакли маслаҳатини берган. Бу гап-сўзлардан яна ҳайратга тушдик, нахотки, шу ҳудуддаги мутасаддилар, хусусан ҳоким ёрдамчиси, маҳалла раиси товук тирик жон эканлигини, тирик жоннинг иситмаси бўлишини ва шунинг учун ҳам

уни фақат ва фақат ветврач назорати билан аҳолига бериш лозимлигини билишмаган бўлишса? Мана шу оддий тартибнинг бузилиши камбағалнинг аҳволини ўнглаш, унинг рўзғорига барира киритиш ўрнига уни баттар қашшоқлик сари етаклаган.



– 900 та товукдан ҳозиргача 257 боши ўлди, нобуд бўлиш жараёни соат сайин давом этмоқда, – дейди афсус -надомат билан тадбиркор. – Адашдим, аниқ адашдим, қизил товук мени расвомни чиқарадиганга ўхшайди. Чунки бугун қолган товуклардан 50 дона ҳам тухум ололмадик. Сулайганини харом ўлмаслиги учун сўйяпмиз.

Избоскан туманида бўлганимизда бундай муаммога дуч келмадик. Паррандаларнинг нобуд бўлиши жуда оз даражада, Пахтаободдагидек оммавий эмас. Чунки чорвачилик билан боғлиқ барча тадбирлар, аҳолига қорамолу кўй-қўзилар, товуклар тарқатиш туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг



қатъий назорати остида ўтказилмоқда. Кимнинг ҳовлисида қанча қорамолу қўй-қўзи бор, одамлар товуқ боқиш, ит сақлаш, қуён кўпайтириш бўйича етарли билимга эгами, барчаси бўлим бошлиғи Билолиддин Самиевнинг диққат-эътиборида.

Исмоил Чинбоев, Сайёра Рафиқова, Шохсанам Бўташева сингари ташхис марказ ходимлари патматериалларни синчиклаб таҳлил қилган ҳолда хулосаю тавсиялар беришмоқда.

Бу жамоада ободончилик ишларига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Шу йилнинг ўзида юзлаб туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди, ҳудуд гулзорга айлантирилди. Муҳими, мутахассислар шу ерда ишлаётганидан мамнун. ВСЭЛ мудирини, 40 йиллик тажрибага эга бўлган ветврач Абдурахмон Хожиев, марказий ветучастка мудирини Рустам Абдуллаев шу касб ортидан обрў топаётганини эътироф этишди.



– Ҳар гал “раҳмат, барака топинг” деган гапни эшитганда, кўзига тиллодек кўринган жонивори соғайиб, “сиз учун эшигимиз доимо очик духтир”, дейишганда Аллоҳга шукр, дейман. Бу катта мукофот, шу боис ўғлимни ҳам жиянимни ҳам ветеринарияга ўқитмоқчиман, – дейди “Кобальт” автомашинасида ишга қатнайдиغان Рустам Абдуллаев.

Очиғи, бу сўзлар бизга руҳ берди. Барака топинг, Рустам ака, ниятларга етиб юринг, дедик.

Самарқанд вилояти. Ўтган йил вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов маҳаллий ғазна ҳисобидан барча туманлардаги ветучасткаларга жами 60 та тўлик жиҳозланган контейнерларни берди.

Ҳақимнинг отасига раҳмат, барака топсин, дейишди оқсоқоллар. Ветврачлар бу эътибордан беҳад қувонди. Контейнерни белгиланган жойга ўрнатиб, кичик ҳовлисини гулзорга айлантирган ветучасткалардан бирини Нарпай туманида кўрдик. “Соҳибкор” ветучастка мудирини Лазиз Мўминов



ёш, ғайратли йигит. Унинг контейнердан иборат ишхонасига кўпчилик ҳавасманд. Иш столи, керакли асбоб-ускуналарни сақлайдиган жойи, эмламаларни сақлайдиган музхонасию кондиционери бўлган бундай қулайлик ҳатто туман ҳокимида ҳам йўқ. Ҳар гал мактаб ўқувчилари чи-

ройли рангланган бу темир уй олдидадан ўтганда, худди мен ҳам ветеринария касбини эгаллайман, дегандай зимдан термулиб қўйишади. Ана шу ғайратли йигит институтда ўқишни кўзлаяпти. Чунки йилдан-йилга зотдор моллар, насли кўй-қўзию паррандалар кўпаймоқда. Қуёнчилик, балиқчилик, декоратив қушлар парвариши билан шуғулланишни кўзлаётганлар ҳам кўп. Туяқуш, туя боқиш ҳадемай нарпайликлар учун одатий ҳолга айланади. Чунки бу эл ташаббусга ташна, янгиликка ўч. Масалан, яна бир ветучастка мудирини Зойир Йўлдошев қишлоғидан ер олиб, иморат қурди ва уни ҳеч иккиланмай ветучастка сифатида жиҳозлаб олди, ветдорихона ҳам ташкил этди. Ҳамкасбларига ўрнатилган бўлиб ишлаётган бу йигит ўтган йил минг бошдан ортиқ қорамолларни сунъий уруғлантириб, соғлом бузоқлар олишга эришди.

– Қўмита раиси ва бошқарма бошлиғи томонидан берилган барча топшириқларни сўзсиз бажаришга интиляпмиз. Чунки бу топшириқ ва буйруқлар давлат сиёсатининг негизи саналган камбағалликни қисқартириш, чорвалик тармоқларини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга хизмат қилади, – дейди бўлим бошлиғи Ислом Муҳаммадиев. – Маҳалла фаоллари, мактаблар раҳбарлари билан ҳам узвий алоқа ўрнатганмиз, хавфли касалликлардан бохабарлик бўйича ўнлаб давра суҳбатлари, сўровномалар ўтказдик. Бизга мурожаат қилаётган бирор фуқаро йўқки, саволига яраша жавоб олмаган бўлсин. Энг муҳими, ветучасткаларнинг барчасида имкониятга қараб ветдорихоналар ташкил этилган. Касаллик аниқландими, уни даволаш учун зарур бўлган малҳамни мутахассис узоқдан излаб юрмайди, шу ердан олади қўяди. Бундай тезкорлик одамларга ҳам маъқул келмоқда. Биз эса сифатли хизмат кўрсатиш орқали муаммога ҳожат қолдирмаяпмиз. Яна бир гап. Бошқармамаизга Алишер Нуруллаев бошлик бўлиб келгач, ветеринария тадбирларига илмий жиҳатдан янада синчорлик билан ёндашадиган бўлдик. Алишер ака оддий ветврачларнинг иши билан қизиқди, маҳаллада, чорвадорлар ҳузурида бўлиб худди вилоятимиз ҳокими сингари халқ орасига кириб борапти. Бу ҳам бизни янада масъулият билан ишлашга ундамоқда.



Ислом Муҳаммадиев биз билан ҳайрлашар чоғ яна бир гапни айтди.

– Шундай мутахассисларимиз борки, қорамол боқиш, парранда кўпайтириш борасида кўпчиликка ибрат. Ҳовлисида чорва парваришлас, товуқчилик билан шуғулланиш туфайли янги автомашиналар олишмоқда. Бир сўз билан айтганда, қойил. Мана шу йигитларнинг телефони эса туну кун ишлайди, уларнинг шижоати туман ветеринария шаънига фақат ва фақат яхши гап, мақтов олиб келяпти. Мен ана шундан хурсандман. Илоҳим соҳамизга кўз тегмасин!

Абдунаби Алиқулов,
журналист

ТУБЕРКУЛЁЗДА АЛЛЕРГИК РЕАКЦИЯ МЕЗОНЛАРИ ВА ТУБЕРКУЛИНИЗАЦИЯ УСЛУБЛАРИ ҲАҚИДА

Аннотация

В статье приводятся аналитические данные по повышенной чувствительности замедленного и немедленного типа при туберкулёзе крупного рогатого скота в ветеринарной практике, а также способах введения в организм животных ППД туберкулина при аллергической диагностике туберкулёза животных.

Калит сўзлар: ППД туберкулин, штамм, микобактерия, бовис, туберкулезис, туберкулинизация, сенсбилизация, реактогенность, аллергия, чувствительность.

Ветеринария амалиётида қорамоллар туберкулёзининг алергик диагностикасида “Сут эмизувчи ҳайвонлар учун мўлжалланган ППД-туберкулин” препаратидан фойдаланилади. Қорамоллар фермасида номахсус алергик реакциялар, жумладан параалергик, псевдоалергик реакциялар кузатилса, нотипик микобактериялар комплекс (КАМ) алергенини симульган услубда ёки паррандалар туберкулини билан симульган услубда алергик текшириш услубларидан фойдаланилади.

Симульган текширишни қўллаш алергия махсуслигининг тур бўйича мутаносиблигига асосланган бўлиб, ҳайвонларда сенсбилизация чақирган ва авлод жиҳатидан бир-бирига яқин микобактерияларга яққол жавоб реакцияси бериши билан ифодаланади. Ҳайвонларда туберкулинга нисбатан жавоб реакциясини баҳолашда тери реакциясининг пайдо бўлиш тавсифи ҳайвоннинг умумий физиологик ҳолати ва организмни қайси тур микобактериялар билан сенсбилизацияланганлигига ва ўша турга оид туберкулинга жавоб реакцияси натижаси билан баҳоланади.

Сут эмизувчи ҳайвонлар учун мўлжалланган ППД-туберкулинга туберкулёзнинг *M.bovis* тури юққан қорамоллар, чўчқалар ва бошқа тур ҳайвонлар яққол жавоб реакцияси беради. Баъзан қари, ўта ориқ ҳайвонларда ёки ҳайвон организмда туберкулёзнинг ўта ривожланган (генерализациясида) шаклида туберкулинга суи жавоб реакцияси беради, ҳатто бундай жавоб реакциясини бера олмайди ҳам (анергия).

Қорамоллар туберкулёзи бўйича соғлом хўжаликларда баъзан “Сут эмизувчи ҳайвонлар ППД-туберкулини”га молларда юқори сезувчанлик-мойиллик кузатилади. Бу жабада алергик реакция берган ҳайвонлар туберкулёзнинг парранда тури, паратуберкулёз ёки нотипик микобактериозлар (параалергик реакция) билан сенсбилизацияланган бўлади.

Параалергик реакциялар ўз хусусиятига кўра, *M.bovis* ёки *M.tuberculosis* кўзгатувчилари юққан ҳайвонларнинг алергик реакциясидан фарқ қилмайди, лекин КАМ ёки парранда туберкулинига симульган алергик текширишда яққолроқ реакция беради.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари туберкулёзини алергик диагностикаси учун мамлакатимизда сўнгги

Summary

The article provides analytical data on the hypersensitivity of the delayed and immediate type in tuberculosis of cattle in veterinary practice, as well as the methods of introducing PPD tuberculin into the body of animals in the allergic diagnosis of tuberculosis in animals.

йилларда Россиянинг Курск биофабрикасида ишлаб чиқариладиган ППД-туберкулин препарати 10000 ТЕ 0,2 мл дозада қўлланилиб келинмоқда. Европа ва бошқа давлатларда ҳозирги даврда туберкулин препарати 5000 ТЕ дозада қўлланилади. Шу сабабли туберкулин препаратининг юқори дозада қўлланилиши номахсус реакциялар ҳосил қилиши ҳақида мулоҳазалар пайдо бўлишига олиб келди.

Икки қарра туберкулинизация қилиш ва офтальмосинов ўтказиш (тери орасига юбориш ва офтальмосинов) бир-бирини тўлдирди ва бирламчи текширишда алергик реакция бермаган моллар такрорий равишда туберкулин юборилганда секин типда чақириладиган юқори сезувчанлик намоён қилади.

1990 йилларда такрорий туберкулин юбориш услуби АҚШда ҳам кенг йўлга қўйилган эди. Биринчи марта туберкулин юборишда носоғлом фермадан 2,5 % алергенга реакция берувчи мол аниқланган. Иккинчи марта юборишда эса яна қўшимча 12,5% реакция берувчи мол аниқланган. Бошқа фермаларда ўтказилган текширишларда мувофиқ равишда 2 ва 6,2%, 7,9 ва 10,5% реакция берувчи касал мол аниқланган. Юқори дозада юборилган (15-20000 ТБ) туберкулин препарати организмда номахсус реакция ҳам ҳосил қилиши мумкин. Паст дозалари эса (1000-3000 ТБ) суи реакция ҳосил қила олади.

Айрим олимларнинг маълумотига кўра, суи товар фермалари ҳудудида микобактериялар тарқалади ва улар қорамоллар организмга асосан озика орқали кирди. Ташқи муҳитда ва озикаларда контаминациянинг ошиши натижасида қорамолларнинг туберкулинга нисбатан сезувчанлиги ошиб боради.

Туберкулёз бўйича носоғлом хўжаликларни соғломлаштиришда туберкулин диагностикасини комплекс тарзда қўллаш самарали натижа бериши таъкидланган. Бунинг учун туберкулин препаратини тери орасига юбориш билан бир қаторда кўзга томизиш усули касал молни, ҳатто анергия ҳолатидаги ҳайвонларни ҳам аниқлаш имконини беради экан. Кўз алергик синамасида реакция берган сигирлар организмни тери орасидан юборилган туберкулинга 3, 6, 9 ва 12 соатдан сўнг ижобий алергик реакция беради экан.

Туберкулёз ва нотипик микобактериозлар бўйича носоғлом фермаларда алергенга қанча мол бош сони

реакция беришига қарамасдан 6-ойлик назоратга олинади. Бу давр ичида хайвонлар ППД-туберкулин ва КАМ ёрдамида симультан услубда текширилади. ППД – (минус) ва КАМ-га + (плюс) ёки = (тенглик) натижа берган моллар патологоанатомик текшириш учун сўйилади, лаборатория текширувлари ўтказилади. Лаборатория текширувларида 3 марта касаллик кўзгатувчиси ажратилмаса, хўжалик фермасини соғлом, деб ҳисоблаш мумкин. Аллергик реакцияни дифференциациялаш ва хўжалик фермасининг соғломлигини аниқлаш учун ППД ва КАМ ёрдамида симультан текшириш ўтказилиши зарур (3).

Туберкулёз кўзгатувчиси қорамол ва парранда турлари ўхшаш субмикроскопик тузилишига эга бўлиб, хужайра девори микрокапсула ва уч қатламли цитоплазма мембранаси билан ўралган. Мембрана структуралари (лизосомалар), рибосомалар, нуклеоид (ядро), вакуола ва осмиофил гранулалар ривожланган шаклга эга. Қорамол ва парранда микобактериялари штаммлари кўзгатувчилари кўндаланг бўлиниш орқали кўпаяди (6).

БЦЖ вакцинаси билан сенсibiliзацияланган қорамоллар организмда ППД-туберкулин препаратининг биологик фаоллигини аниқлаш мумкин. Бу услуб иқтисодий жиҳатдан арзон ҳамда эпизоотик ва эпидемик хавфсиз эканлиги исботланган.

Қорамолларни туберкулинизация қилишда дум остки тери бурмасига ППД-туберкулин юбориш орқали диагностика қилиш, бўйин териси орқали аниқлашдан кўра самаралироқ натижа бериши аниқланган. Дум бурмаси тери орасига ППД туберкулин юбориш усули орқали одатдагидан кўра 7,1% кўпроқ ва аниқроқ туберкулёз билан касалланган мол аниқланар экан. Шунинг учун муаллифлар томонидан туберкулёз бўйича носоғлом хўжаликларни соғломлаштиришда диагностик тест сифатида дум ости тери орасига алерген юбориш таклиф қилинган.

Туберкулёз диагностикасида туберкулин препарати дозасининг пасайтирилиши СТГ-ни (секин типдаги гиперсезувчанлик) пасайишига олиб келади. Шунинг учун йўриқномага мувофиқ 10000 ТБ ёки РРД-Bovine –нинг Биринчи Халқаро Эквиваленти (2000 МЕ)-ни қўлланилиши туберкулёз билан касалланган молларни самарали аниқлайди ва соғлом моллар учун ареактоген ҳисобланади. Туберкулин препаратини БИ-7 игнализ иньектор ёки шприц орқали қўллаш реакция натижасига таъсир қилмайди. Туберкулин препаратининг махсус фаоллигини назорат қилишда лаборатория хайвонларига турли доза қўллаш - препарат фаоллигини аниқлашда эталон бўлиб хизмат қилади.

Қорамолларда туберкулёз диагностикасида алергик реакцияни дифференциациялаш учун (ИФА) иммунофермент таҳлил услуби ёрдамида қонда Y-интерферонни аниқлаш (моноклонал антителолар) қўшимча дифференциал услуб сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

Туберкулёз бўйича соғлом хўжаликда йил мавсумига боғлиқ равишда алергик реакцияда тафовут аниқланади. Ташки муҳитда кенг тарқалган нотипик микобактериялар, нокардиялар ва родококклар озика орқали мол организмга кириб, қисқа муддатли туберку-

лингга номахсус алергик реакция ҳосил қилади. Бу эса асосиз равишда соғлом молни сўйишга олиб келади.

Туберкулёз бўйича соғлом хўжаликларда баъзан туберкулинга ижобий реакция аниқланади ва соғлом махсулдор моллар сўйилиб кетади. Лаборатория текширувларида диагноз тасдиқланмайди. Бунга қорамолларнинг нотипик микобактериялар, номикобактериал агентлар (замбруғлар, лейкоз, гелминтлар, эхинококк, дикроцелиялар, эритемалар) билан сенсibiliзацияланганлиги сабаб бўлган. 1990-2000 йилларда бундай сенсibiliзацияланганлик қорамолларда 0,3-10%-га тенг бўлган. Вақтинчалик сенсibiliзацияланганлик 60-90 кун ичида одатда йўқолади. Хўжаликларда режали дегельминтизация ўтказиб бориш – бундай ҳолатни олдини олишда юқори самара беради.

Туберкулёз бўйича соғлом хўжаликда (ГКП “Бишкульский”) қорамолларда алергик реакция аниқланган вазиятда туберкулинга мойил хайвонлар сонини камайтириш ва дифференциал диагностика қилиш учун такрорий алергик текширишни ўша заҳоти симультан ўтказиш ва 72 соатдан сўнг реакция натижасини баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Туберкулёз бўйича соғлом хўжаликда туберкулинга реакцияни дифференциялаш учун қўшимча вена ичига, икки каррали офтальмо намуна ва тери ичига юбориш, симультан текшириш ўтказиш асосиз равишда молни йўқотишдан асрайди.

72 соат интервал билан ўтказиладиган кўз туберкулинизацияси пода орасидан қўшимча 0,5-4,0% яширин кечадиган туберкулёзни аниқлаш имконини берар экан. Бу жабҳада реакция натижасини ўлчаш-текширишни ҳар 3 ва 6 соат орасида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Қорамоллар туберкулёзи бўйича носоғлом ўчоқда қўриқчи итлар ППД туберкулинга 5,0%, дайди итлар эса 8,8% алергик реакция беради. Соғлом худудда сақланаётган қўриқчи итларда туберкулинга алергик реакция аниқланмади. Туберкулёз бўйича эндемик ўчоқда касал одам яшаётган оилада қўриқчи ит организмдан *M. bovis* касаллик кўзгатувчиси ажратилган.

Айрим хўжаликларда диагностик тадбирлар ўтказиш жараёнида реакция берган хайвонларни кўрсатмасликка ҳаракат қилинади ёки касал молларни махсулдорлиги учун подада узоқ вақт сақлашга ҳаракатлар бўлади. Бу эса касалликни фермада бошқа соғлом молларга юқиб, тарқалиб боришига, сут-гўшт махсулотлари орқали одамларга юқишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Басыбеков С.Д., К.А. Тургенбаев. Сезонность туберкулиновой аллергии у крупного рогатого скота в хозяйствах Алмагинской области // Инфекционные болезни сельскохозяйственного животного // Сборник научных трудов Каз НИВИ.- Алматы, 1993.-С. 19-24.
2. Кузин А.И. Оздоровление животноводческих хозяйств от туберкулёза. М., Россельхозиздат 1987
3. Мамадуллаев Г.Х. “Хайвонлар туберкулёзининг диагностикаси бўйича Йўриқнома”, Тошкент 2011, 30 бет.
4. Мамадуллаев Г.Х. Қорамоллар туберкулёзида алергик реакцияларни фарқлаш мезонлари// “Зооветеринария” № 5-6, Тошкент 2012, 8-11 бетлар.

**ПАРРАНДАЛАРНИНГ РЕСПИРАТОР МИКОПЛАЗМОЗ ВА
САЛЬМОНЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ БИРГАЛИКДА КЕЧИШИ****Аннотация**

В статье описывается течение, клинические признаки и патоморфологические изменения микоплазмоза и сальмонеллёза птиц. Приведены сведения по патологическим изменениям в организме птиц и их дифференциальной диагностики.

Калит сўзлар: паррандалар, микоплазмоз, сальмонеллёз, патоморфология, бактериология, пассаж, таъхис кўйиши, дистрофия, некротик жараёнлар, яллигланиши.

Annotation

This article describes the course, clinical signs, and pathomorphological changes of laryngotracheitis in birds. Pathological changes in the body of birds and their differential diagnosis.

Мавзунинг долзарблиги. Паррандаларнинг респиратор микоплазмоз ва салмонеллёз касалликлари юқумли касаллик бўлиб, жўжаларда септицемия ва ичак фаолиятининг бузилиши, товукларда эса яширин бактерия ташувчанлик шаклида юзага келади. Ушбу касаллик билан барча турдаги кушлар зарар кўради. Асосий манбалар касал ва тузалган паррандалар, шунингдек ёввойи кушлардир, инкубаторларда эса – кемирувчилар, қон сўрувчи ҳашаротлар ва бошқ. Касаллик кўзгатувчиси паррандаларнинг ахлатидан тумшугидан оқмалар билан ажратилади.

Касалликнинг клиник белгилари инфекциянинг юқиш йўналишига қараб, инкубация даври бир кундан бир ҳафтагача бўлиши мумкин. Бунда паррандаларда жуда ҳам мураккаб, ҳар бир касалликнинг ўзига хос клиник белгилари намоён бўлади. Масалан ўткир шаклда кечганда – нафас қисилиши, умумий заифлик, уйқучанлик, иштаҳанинг йўқолиши, асабий ҳолатлар, катарал-йирингли ёки фибриноз конъюнктивит, кўз шоҳ пардасининг хиралашishi, диарея кузатилади. Ўлим даражаси 70-80% ни ташкил этади. Касалликлар аралаш ҳолда кечганда баъзан оқсоқланиш, бўғимларнинг шишиши, қатта товукларда ўпканинг шикастланиш белгилари қайд этилади.

Табиий шароитда сальмонеллёз ва микоплазмоз билан касалланиб ўлган паррандаларнинг ички аъзолари патоморфологик текширилганда, товукларнинг ёши ва касалликнинг намоён бўлиш шаклига боғлиқ ҳолда патоморфологик ўзгаришлар аниқланади. Товуклар сальмонеллёз билан касалланганда, жигар, буйраклар ва юракда гемодинамик бузилишлар, дегенератив ўзгаришлар ва некроз, кейинчалик грануломаларнинг шаклланиши, ўпкада гиперемия ва шиш, катарал энтерит кузатилади, микоплазмоз билан биргаликда касалланган товукларда қўшимча кутикулит, катарал-фибриноз колит, талоқ гиперплазияси, мияда – гиперемия, асаб ҳужайраларининг дегенерацияси ривожланган. Қатта товукларда тухумдонлар ва тухум йўллариининг шикастланиши, перитонит, клоацит,

кулранг-оқ некроз ўчоқларининг мавжудлиги, дистрофик ўзгаришлар ривожланиши кузатилади.

Касалликларга таъхис бактериологик, микробиологик, серологик ҳамда ИФА, ПЗР тест натижалари ва биопроба усуллари асосида қўйилди. Паррандаларнинг респиратор микоплазмоз касаллигига қарши инактивация қилинган вакцина билан ўз вақтида эмлаш тадбирларини ўтказиш натижасида ушбу касалликнинг олди олинди. Касалликни даволаш ёки олдини олишда микоплазма учун энг паст МИКга эга бўлган антибактериал воситалардан фойдаланиш (Пневмотил, Тиалонг 45%, Энронит ОР, ва Лехофлон ОР ларни қўллаш) яхши самара бериши аниқланган.

Хулосалар. Паррандалар орасида микоплазмоз ва сальмонеллёз касалликлариининг биргаликда бир организмда учраши натижасида уларда мураккаб клиник, патоморфологик ўзгаришлар кузатилиши аниқланди. Шунингдек, касалликларни ўз вақтида эмлаш мақсадга мувофиқ. Зеро, касалликни даволагандан кўра олдини олган маъқул.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Производственные испытания питательных сред для диагностики микоплазмоза животных и птиц / О.А. Сунцова, А.П. Красиков, Н.В. Рудаков и др. // Научные основы производства ветеринарных биологических препаратов. Материалы международной научно-практической конференции (24-25 апреля 2003 г.). Щелково. 2003, с. 92-95.

2. Эпизоотологические и лабораторно-диагностические аспекты респираторного микоплазмоза птиц / А.П. Красиков, Н.В. Рудаков, О.А. Сунцова и др. // Роль ветеринарного образования в подготовке специалистов агропромышленного комплекса. Сб. науч. тр. Омск. 2003, с. 160-163.

3. Ниязов Ф.А., Дурдиев Ш.К., Алимарданов А.Ш. Заслон распространению заболеваний // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2008. №6. С.26.

4. Ниязов Ф.А., Ибодулласев Ф.И., Юсупов М.Г. Патоморфологические изменения в организме кур при пуллорозе. // Зооветеринария. 2008. №7, с.18.

УДК: 616:619.8

Хушназаров Алишер Худойберди ўғли, таянч докторант,
Давлатов Равшан Бердиевич, в.ф.д., профессор,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети

ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ВА ДАВОЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Аннотация

В научной статье представлены результаты исследований эпизоотологии эймериоза кроликов, эффективности эймериостатических препаратов в лечении заболевания.

Калит сўзлар: Куён, эймериоз, ооциста, инвазия, Дарлинг усули, экстенсивлик, интензивлик, эймериостатик, intracox oral, фуразолидон.

Summary

The results of research on the epizootiology of rabbit eimeriosis the effectiveness of eimeriostatic drugs in the treatment of the disease are presented.

Кириш. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг парhez гўшт истеъмол қилиш меъёри хусусидаги тавсиясини инобатга олсак, инсон йил давомида истеъмол қиладиган гўшт маҳсулотларининг 5 фоизини куён гўшти ташкил қилиши керак. Демак, ҳозирги кунда юртимиз бозорларида йилига 150 минг тонна куён гўштига талаб бор.

Давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган (2019 йил 31 октябрь) йиғилишда тегишли ташкилотга 2020 йил якунига қадар республикада куёнлар бош сонини 3 миллион бошга етказиш, унинг ички истеъмолини, экспорт қўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида ассоциация томонидан Ўзбекистонда куёнчилиқни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2020-2024 йилларда республикада куёнчилиқ кластерларини йўлга қўйиш бўйича дастур шакллантирилди.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирча республикада куёнчилиқ тармоғи дастлабки ривожланиш босқичида бўлиб, ушбу даромадли тадбиркорлик билан шуғулланувчилар ҳам ҳали унчалик кўп эмас. Демак, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш зарур. Куёнчилиқ саноатлашган даражага етиши, боқувчи маҳсулотини қаерга сотишини олдиндан билиши керак. Тармоқнинг озуқа базасини шакллантириш ҳам долзарб масаладир. Шу боис куёнчилиқ тармоғининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу долзарб вазифани бажаришда куёнларда учрайдиган айрим паразитар касалликлар тўсқинлик қилиши кузатилиб, уларнинг олдини олиш ва самарали даволаш усуллари жорий этиш лозим.

Куён гўштида оксил миқдори кўй, қорамол, чўчка гўшларига қараганда юқори. Витамин ва минерал таркибига кўра деярли барча гўшт турларидан устун туради. Куён гўшти таркибидаги витаминлар, макро ва микро элементларни бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди (1-жадвал).

1-жадвал.

Куён гўштининг кимёвий таркиби

Гавда қисм-лари	Гавда массасидаги улуши (%)				100 г. гўштининг энергетик қиймати, ккал.
	Сув	Оксил	Ёғ	Қул	
Чаноқ – сон	70,30	21,21	5,83	2,66	140,31
Курак – елка	71,39	20,43	4,87	3,31	122,05
Бел – думғаза	71,05	19,96	6,98	2,01	147,14
Бўйин – кўкрак	71,95	18,76	5,42	3,87	124,82
Узун толали мускул	71,03	22,10	4,10	2,77	125,53

Тадқиқотнинг мақсади. Куёнлар эймериозининг (кокцидиози) эпизоотологиясини ўрганиш, таҳлил қилиш, даволаш-профилактика чора-тадбирларини олиб бориш.

Тадқиқот усуллари ва натижалари. Тадқиқотларимиз Патдарғом ва Ургут туманларида олиб борилди. Илмий-тадқиқот давомида экспериментал, микроскопик ва статистик усуллардан фойдаланилди. Касалликка гумон қилинган ва касалланган куёнларнинг 3-5 г тезак намунаси сув билан зичлик даражаси ярим суюқ ҳолатга келгунча аралаштирилди, центрифуга пробиркаларига сузилди ва 1-2 дақиқа давомида 1000-1500 об/мин давомида центрифуга қилинди. Суюқлик қисми тўкиб ташланди, чўкмага глицерин ва ош тузининг тўйинган эритмасидан тенг миқдорда тайёрланган аралашмадан қўшилди, центрифуга пробиркаси яхшилаб чайқатилиб, қайтадан 2 дақиқа давомида 1000-1500 об/минутда центрифуга қилинди. Суюқлик юзасига қалқиб чиққан эймерия ооцисталари симли илмок билан олиниб, буюм ойнасига қўйилиб, микроскопда текширилди. Текширилган куёнларнинг те-

зак намунасида эймерия ооцисталари мавжудлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал.

**Қуён эймериозини копрологик текшириш
натижалари**

Хўжалик номи	Қуён-лар бош сони	Текшириш усули	Инвазиянинг экстенсивлиги	
			сони	фоизи
“Тўзалкент достони” ДУК	155	копрологик	70	45,1
“Мақсудабону бизнес сервис” ХК	225	копрологик	80	35,5

Юқорида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуёнлар эймериозининг (кокцидиози) эпизоотологиясини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида “Тўзалкент достони” ДУК да парваришланаётган 155 бош қуённинг 70 бошида эймериялар билан зарарланганлиги аниқланди, инвазиянинг экстенсивлиги 45,1 % ни, Ургут туманидаги “Мақсудабону бизнес сервис” ХК да қўпайтирилаётган 225 бош қуённинг 80 боши эймериоз билан касалланганлиги копрологик усул ёрдамида аниқланиб, инвазиянинг экстенсивлиги 35,5% ни ташкил қилганлиги аниқланди.

Демак, иккала хўжалик миқёсида инвазия экстенсивлиги ўртача 40,3% ни ташкил қилганлиги аниқланди.

«Intracox oral» (Interchemie werken “De Adelaar” B.V.Metaalveg Gollandiya) ва ўзаро таққослаш учун фуразолидон препаратларининг эймериостатик таъсирлари ўрганилди.

Касалликка гумон қилинган ва касалланган қуёнлардан 3-5 г тезак намунаси олиниб, Дарлинг усули бўйича копрологик текширув олиб борилди. Текширилган қуёнлар тезак намунасининг қўпчилигида эймерия ооцисталари мавжудлиги аниқланди. Ушбу қуёнлар 4 гуруҳга: 1- соғлом назорат гуруҳи; 2- касалланган назорат гуруҳи; 3-4 - тажриба гуруҳларига ажратилди (3-жадвал).

3-жадвал

Қуёнларни копрологик текшириш натижалари

Гуруҳ	Тажриба назорат	Қуён-лар сони	Текшириш усули	Микроскопия натижалари
1-гуруҳ	Соғлом	65	Дарлинг	Салбий
2-гуруҳ	Касал назорат гуруҳи	65	Дарлинг	Ижобий
3-гуруҳ	Тажриба	65	Дарлинг	Ижобий
4-гуруҳ	Тажриба	65	Дарлинг	Ижобий

Текширувлар давомида ҳар тўртала гуруҳ қуёнлари клиник, паразитологик, микроскопик текширилгандан сўнг, эймериоз аниқланган 3-4-гуруҳ қуёнларига қуйидаги эймериостатик дорилар синовдан ўтказилди.

3-гуруҳ қуёнларига «Intracox oral» препарати 1 мл микдорда 1000 мл сувга эритилиб, 2 кун давомида узлуксиз берилди;

4-гуруҳ қуёнларига эса фуразолидон кукунидан 1 кг емга 0,5 г микдорда аралаштириб, 9 кун давомида узлуксиз берилди.

4 -жадвал.

Қуён эймериозини даволашда қўлланилган дориларнинг самарадорлик натижалари

№ гуруҳлар	Гуруҳлар номи	Дорилар номи	Дори дозаси (мл/л сувга ва 0,5 гр 1 кг емга)	Гуруҳдаги қуён сони	Гуруҳдаги қуёнларнинг сақланиши, %	Дори берилгач, инвазиянинг интенсивлиги						Дорининг самарадорлиги, %
						Текширув кунлари (ооцисталар сони, нусха)						
						3 – кун	4 – кун	5 –кун	6 –кун	7- кун	8-кун	
1	Соғлом назорат гуруҳи	-	-	65	100	-	-	-	-	-	-	-
2	Касал назорат гуруҳи	-	-	65	60	15,6	16,9	21,6	18,6	16,4	17,2	-
3	Тажриба гуруҳи	Intracox oral	1 мл 1 л сувга	65	100	10,1	9,9	7,3	5,4	2	1	95
4	Тажриба гуруҳи	Фуразо - лидон	0,5 гр 1 кг емга	65	95	12,2	11,9	10,8	6,8	3,2	2	75

1-2- назорат гуруҳларидаги куёнларга дори берилмади.

Қўлланилган дори воситаларининг самарадорлиги касалликнинг клиник белгилари ва лаборатория текшириш натижаларига асосан аниқланди (4 жадвал).

Тадқиқот натижаларига кўра препаратлар узлуксиз равишда 2 кун давомида берилганда 3-гуруҳ куёнларида ўлим ҳолати кузатилмади. 4-гуруҳдаги 3 бош куён нобуд бўлди. 2-назорат гуруҳида эса 5 бош куён нобуд бўлди. Препаратлар берилгандан сўнг белгиланган схема бўйича такрорий копрологик текширувлар ўтказилиб, эймерия ооцисталарининг ажралиш интенсивлиги кўрсаткичи бўйича эймериостатик таъсир этиш фаоллиги аниқланганида, 3-гуруҳда синалган препаратнинг самарадорлик кўрсаткичи 95 % ни, 4-гуруҳда эса самарадорлик 75 % ни ташкил қилганлиги қайд этилди.

Хулоса. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, куёнларнинг эймериози (кокцидиози) кенг тарқалган (инвазиянинг экстенсивлиги ўртача

40,3%), касалликни даволашда ва олдини олишда янги эймериостатик препаратлардан Introsox oral нинг самарадорлиги 95% ни ташкил этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Ғ.Ғафуров., Р.Б.Давлатов., Ў.И.Расулов. // Ветеринария протозоологияси (Ўқув қўлланма). Самарқанд-2013. 83-87 б.
2. А.Шевченко., Л. Шевченко. // Болезни кроликов. Москва. Аквариум-2011. 115-118 б
3. А.Х.Хушназаров., Р.Б.Давлатов. // Куён эймериозини даволашда янги эймериостатикнинг самарадорлиги / “Veterinariya meditsinasi”. Тошкент-2021. №10. 28-29 бет.
4. Б.С.Салимов., А.С.Даминов / Зоология. Тошкент-2018. 35-38 б.
5. Ятусевич А.И. и др. / Руководство по ветеринарной паразитологии – Минск, ИВЦ Минфина, 2015. - 496 с.

ИБРАТ

НАМАНГАНЛИК ФИДОЙИ КИНОЛОГ

Бугунги кун қахрамони Наманган вилояти ИИБ ЖТСБ Кинология хизмати ветеринар-фельдшер катта сержант Юсупжонов Ризо Шамсиддинович!

Қахрамонимиз Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсини тамомлагандан сўнг Наманган вилояти ИИБ ППХваЖТСБ Кинология хизмати кидирув ва одорология бўлини кичик инспектор кинологи лавозимида хизмат қилиб, ўзига бириктирилган хизмат итини умумий ва махсус йўналишлар бўйича тайёрлашда юқори натижаларга эришиб, республика кинологлари ўртасида бўлиб ўтадиган кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келди.

Р.Шамсиддинов 2010 йилнинг октябрь ойида Наманган вилояти ИИБ ППХваЖТСБ Кинология хизмати ветеринария хизмати бошлиғи лавозимида тайинлангандан сўнг, хизмат итларини соғлиги тўғрисида қайғуриб, уларнинг рацион асосида озикланиши, итларга ветеринар хизмат кўрсатилиши борасидаги ишларга алоҳида назоратга олиб, ҳар бир хизмат ити учун етарли даражада шарт-шароитлар яратди. Ушбу давр мобайнида Ветеринария хизмати йўналиши бўйича бой иш тажриба ва кўникмалар ҳосил қилиб, етук мутахассис бўлиб шаклланди.

Катта сержант Юсупжонов Ризо Шамсиддинович Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг амалдаги меъерий буйруқларини яхши ўзлаштирган ва кундалик ҳаётда тўлиқ тадбиқ эта олади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни тўғри тушунади ҳамда қўллаб қувватлайди. Тизимдаги барча ташкилий тадбирларда ва жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Жасур Бекмирзаев, Наманган вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати ветеринар-шифокори, лейтенант



КЎКЛАМ ИСТАГИ

Онангиз ёнида бир зум ўтириб,
Меҳрли кўзларига минг тўйиб қаранг.
Дунё ишларини бир четга суриб,
Онаси ҳаётлар онангиз асранг.

Ҳаётдан кетганда қадри билинар,
Томоққа ҳаттоки, сув ҳам илинар.
Пушаймон бўларсиз бағир тилинар,
Онаси ҳаётлар онангиз асранг...

УДК 619.616.61724.8.559.59

Г.Х. Мамадуллаев, в.ф.д., илмий раҳбар,
У.М. Файзиев, А.Т. Тўхлиев, мустақил изланувчилар,
О.К. Джурақулов, таянч докторант,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

ТУБЕРКУЛЁЗ МИКОБАКТЕРИЯЛАРГА ҚАРШИ ЯНГИ ПРЕПАРАТНИНГ IN VIVO СИНОВЛАРИ

Аннотация

В статье приводятся результаты лабораторных in vivo испытаний нового противотуберкулёзного препарата “Рифизостреп” в организме экспериментально заражённых морских свинок.

Установлено, что препарат “Рифизостреп” в организме опытных морских свинок в дозе 10 мг/кг обладает достаточной антимикробной активностью против микобактерий туберкулёза бычьего и человеческого видов.

Key words: Rifizostrep, drug, antimicrobial, mycobacterium, tuberculosis, M.bovis, bacteriological, against- microbes, strain, resistance, sensivity.

Туберкулёз сурункали кечадиган юкумли антропоозноз касаллик бўлиб, 55 турдан ортиқ қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар ва мўйнали ҳайвонлар ҳамда 25 тур паррандада учрайди. Туберкулёз – одамлар орасида ҳам кўп тарқалган касалликдир. Инсоният саломатлиги учун асосан туберкулёзнинг M. tuberculosis ва M. bovis турлари хавф туғдиради. Одамлар туберкулёзнинг қорамол тури билан асосан хом сут ва сут маҳсулотлари, шунингдек касал қорамол билан доимий контакт орқали касалликни юктириб олишади. Туберкулёзнинг қорамол тури кўзгатувчисини одамлар организмидан 1-35 % ҳолатгача ажратилиши мумкин. Дунё бўйича бир йилда қорамоллар туберкулёзи 2 млн доллар миқдорида иктисодий зарар келтиради.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотида кўра, ер шарида 2 млрд дан ортиқ аҳоли микобактериялар билан зарарланган. Ҳар йили 8-10 млн одам касалланади ва шундан 3 млн дан ортиқ киши туберкулёз туфайли вафот этади, шундан 900000 киши аёллар бўлса, 300000 ни болалар ташкил этади. Ҳисобларга кўра, ҳар ҳафта ичида 57 минг одам туберкулёздан нобуд бўлар экан. ЖССТ прогнозига кўра, янги асрнинг бошида дунё бўйича 300 млн одамга бу инфекция юкганди, шундан 90 млн кишида касаллик ривожланади ва 30 млн киши ҳалок бўлиши мумкин. ЖССТ сайтларида таъкидланишича, ҳозирга даврда туберкулёз энг кўп ўлим келтираётган касаллик экан. Биргина 2017 йилда 10 млн одамга туберкулёз юккан ва 1,6 млн одам ҳалок бўлган (Манба: <https://mir24.tv>).

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (11.05.2001 й. №215-11) қонунига мувофиқ, асосий принципларининг 4-моддасига биноан эпидемиологик

Summary

The article presents the results of in vivo laboratory tests of a new anti-TB drug “Rifizostrep” in the organism of experimentally infected guinea pigs. It is obtained that the preparation “Rifizostrep” in organism of guinea pigs at 10 mg/kg dose has sufficient antimicrobial activity against mycobacterium a tuberculosis of type M.bovis and M.tuberculosis.

ва эпизоотологик текширишлар доимий ва изчилликда олиб борилиши шарт. Мазкур қонуннинг 8-моддада белгиланган тартиб ва муддатларда мажбурий тарзда туберкулин ёрдамида ташхис қўйишдан ўткази, деб белгиланган.

Йўриқномага мувофиқ касалликка қарши курашиш фақат санитария усулида олиб борилиб, қорамолларнинг зотдорлиги, ёши, бўғозлиги ёки маҳсулдорлигидан қатъий назар туберкулёзга аллергик текшириш жараёнида ППД туберкулинга мусбат реакция берган қорамолларни чорвачилик фермасидан гўшт комбинатларига ёки махсус қушхоналарга сўйиш учун жўнатиш йўли билан бартараф қилиб борилади. Ҳар бир аллергик текширишда туберкулинга реакция берган молларни сўйилиши натижасида кўплаб мол бош сони бой берилади. Туберкулёз аниқланган хўжаликларда режа асосида аллергик текширишларда ҳар бир туберкулинизацияда (45-60 кун) ижобий реакция берган моллар бартараф қилиб бориш тадбирлари узок давом этиши мумкин ва бу жараёнда кўплаб зотдор маҳсулдор молларни камайиб кетишига олиб келади. Подада қолган шартли соғлом моллар организми эса амалдаги йўриқномага мувофиқ муҳофаза қилинмайди, фақатгина санитария усули қўлланилади. Шунинг учун бу жабҳада шартли соғлом мол организми кимёпрофилактика услуби орқали муҳофазалаш ёрдамида фермада мол бош сонини сақлаб қолиш мумкин. Туберкулёз кўзгатувчисининг инкубацион даври 35 кунни ташкил қилади. Касаллик янги юккан ёки латент даврида, анергия ҳолатида қорамоллар туберкулинга реакция бермайди. Бундай моллар организми касаллик юкқандан сўнг 45-60 кун ўтгач аллергенга жавоб реакцияси бера бошлайди. Шунинг учун ка-

салликка қарши ўз вақтида шартли соғлом молларга кимёпрофилактика услубининг қўлланилиши кўплаб сўйилиб кетиши мумкин бўлган қорамолларни сақлаб қолишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг ҳажми, материал ва услублари

1. Илмий тадқиқотлар “Ҳайвонлар туберкулёзининг лаборатория диагностикаси” (Омск 1988) кўрсатмаси, “Туберкулёзда лаборатория диагностикаси” қўлланмаси ва “Ҳайвонлар туберкулёзининг диагностикаси” (Тошкент, 2011) йўриқномаси ва Т.Н.Яценко, И.С.Мечеваларнинг “Руководство по лабораторным исследованиям при туберкулезе. – М.: Медицина, 1973” ва Финкель Е.А., Михайлова Л.В. Биологический метод исследований при туберкулезе. – “Кыргызстан” Фрунзе, 1976. С. 118-149. қўлланмалари асосида ўтказилди.

Ветеринария илмий тадқиқот институти туберкулёзни ўрганиш лабораторияси олимлари томонидан ҳайвонлар туберкулёзига қарши курашиш услуб ва воситаларини такомиллаштириш мақсадида янги “Рифизостреп” препарати яратилди. Препарат тайёрлашнинг технологик регламенти ишлаб чиқилди.

“Рифизострепт” препарати таркибидаги компонентлар ўзаро мутаносибликда пролонгация (таъсир этиш даврининг узайиши) ва синергетик (бир препарат таъсирини иккинчиси кучайтириши) таъсир ҳосил қилади. Бу комбинация туберкулостатик препаратларга ўзига хос янги хусусият беради ва унинг бактерицид фаоллиги кучаяди.

“Рифизострепт” препарати ҳайвонлар туберкулёзи бўйича носоғлом, шартли соғлом ва касаллик тарқалиш хавфи мавжуд чорвачилик фермалари учун мўлжалланган. Препаратни 10 кунлик ёшдан бошлаб физиологик ҳолатидан қатъий назар барча турдаги ҳайвонларга қўллаш мумкин. Препарат ҳайвонларнинг бўйин, сон ва тўш қисмига тери остидан юборилади.

“Рифизострепт” препаратининг вирулент туберкулёз микобактерияларига қарши антимиқроб таъсир доираси *in vivo* услубда лаборатория ҳайвонларида тадқиқ қилинди.

Тажрибаларда 27 бош денгиз чўчкалари организмда туберкулёз микобактерияларининг *M.bovis* ва *M.tuberculosis* штаммларига қарши “Рифизострепт” препаратининг махсус антибактериал фаоллиги ўрганилди. Янги препаратнинг касаллик кўзғатувчиларига нисбатан антимиқроб фаоллиги тиббий изониазид препарати билан солиштирма равишда қиёсий ўрганилди.

Тажрибани бошлашдан олдин барча ҳайвонлар

туберкулёзга аллергик услубда текширилди. Бунинг учун “ВИТИ-БИОВЕТ” томонидан ишлаб чиқарилган “Сут эмизувчи ҳайвонлар туберкулёзини аллергик диагностикаси учун ППД туберкулин” диагностикасидан (серия 3) фойдаланилди (Ts 28346332-01:201 Ташкилот стандарти).

Тажриба ҳайвонлари *M.bovis* ва *M.tuberculosis* штаммлари билан сон териси остига юқтирилди. Препаратни туберкулёз кўзғатувчиларига қарши самарадорлигини қиёсий солиштириш учун 3 бош денгиз чўчкаларига назорат сифатида 10 мг/кг дозада шу услуб билан изониазид препарати бериб борилди.

Назорат гуруҳига *M.bovis* ва *M.tuberculosis* штаммлари юқтирилиб, препарат берилмади.

Тажриба ҳайвонлари юқтирилгандан сўнг орадан 25 кун ўтгач, “Рифизострепт” препарати 65 кун давомида ҳар 5 кун оралиғида 1 марта сон териси остидан инъекция қилиб борилди.

Препарат инъекциясидан қатъий назар ҳар ойда бир марта денгиз чўчкаларига қорин девори тери орасидан 0,1 мл 25 ТБ дозада “ВИТИ-БИОВЕТ” ППД туберкулини билан аллергик услубда текширилди. Тажрибалар 90 кун давом этди ва кузатув муддати тугагач, тажриба ва назорат гуруҳи ҳайвонлари мажбуран ўлдирилди ва патологоанатомик усулда текширилди.

Тажриба ҳайвонларининг вирулент туберкулёз микобактериялари билан зарарланиш индекси (талоқ индекси) Р.Войтек (1967) усулида аниқланди:

$$ТИ = (ТВ \times 100 \%) : ГВ,$$

ТИ – талоқ индекси;

ТВ – талоқ вазни;

ГВ – гавда вазни.

Патологик намуналарни бактериологик текшириш ҳам 3 ой муддат давом этди.

Шундай қилиб, *in vivo* тажрибаларда янги “Рифизострепт” препаратининг антибактериал таъсир даражаси ҳақида хулоса қилинди.

Тадқиқотлар натижалари

“Рифизострепт” препаратининг туберкулёз кўзғатувчиларига қарши антибактериал фаоллиги денгиз чўчкалари организмда *in vivo* синовлардан ўтказиш учун тажрибани бошлашдан олдин барча денгиз чўчкалари ППД туберкулин ёрдамида аллергик услубда туберкулёзга текширилди. Бунинг учун ППД туберкулин диагностикасидан денгиз чўчкаларининг қорин девори териси орасидан 0,1 мл 25 ТБ дозада инъекция қилинди. Реакция натижаси 48 соатдан кейин ўлчанди ва бирорта ҳам ҳайвон терисида папула кўринишида аллергик реакция кузатилмади.

“Рифизострепт” препаратининг синов схемаси ва тажриба натижалари

№	Хайвон тури	Гуруҳ	Бош сони	Штамм номи	Препарат номи ва организмга юбориш усули	Патологоанатомик текшириш натижаси	Бактериологик текшириш
1	Денгиз чўққаси, тажриба	I	9	M.bovis 8-03	Рифизостреп, Парентерал	-----	-----
2	Денгиз чўққаси, назорат	II	3	M.bovis 8-03	Назорат, препаратсиз	+++	+++
3	Денгиз чўққаси, тажриба	III	9	M.tuberculosis 7880	Рифизостреп парентерал	-----	-----
4	Денгиз чўққаси, назорат	IV	3	M.tuberculosis 7880	Назорат, препаратсиз	+++	+++
5	Денгиз чўққаси, қиёсий гуруҳ	V	3	M.tuberculosis 7880	Изониазид, Per os	--+	--+

Эслатма: + туберкулёз аниқланди; – туберкулёз аниқланмади.

27 бош денгиз чўққалари вирулент туберкулёз микобактерияларининг M.bovis 8-03 ва M.tuberculosis 7880 штаммлари билан сон териси остидан 0,03 мг/кг дозада юктирилди. Денгиз чўққалари 0,03 мг/кг дозада туберкулёз юктирилгандан сўнг 25 кун ўтгач I-III тажриба гуруҳидагиларга “Рифизострепт” препарати ҳар 5 кун оралиғи билан сон териси остига инъекция қилиб борилди.

3 бошдан иборат II ва IV гуруҳ денгиз чўққаларига назорат гуруҳи сифатида туберкулёз юктирилгандан сўнг препарат берилмади. “Рифизострепт” препаратининг турли дозаларда туберкулёз қўзғатувчиларига таъсир механизмини қиёсий солиштириш учун V гуруҳдаги 3 бош денгиз чўққаларига M.tuberculosis 7880 штамми юктирилгандан сўнг “Изониазид” (ГИНК) препарати 10 мг/кг дозада Per os қўлланилди.



1-расм. Юктириш жараёни



2-расм. Туберкулинизация жараёни

Хайвонлар юктирилгандан сўнг аллергик текширишларда тажриба ва назорат гуруҳи денгиз чўққалари терисидан инъекция жойида майда папула ҳосил бўлди. Барча текширишларда папулалар ўлчами назорат гуруҳидаги денгиз чўққаларида яққол ва йирикрок ҳосил бўлди.

Тажриба муддати тугагандан сўнг барча тажриба ва назорат гуруҳи хайвонлари мажбурий ўлдирилди ва патологоанатомик текширилди. Патологоанато-

мик ёрилган тажриба хайвонлари ички аъзоларида қуйидаги ўзгаришлар аниқланди:

– M.bovis-8-03 юктирилгандан сўнг Рифизострепт қабул қилган 9 бошдан иборат I тажриба гуруҳ денгиз чўққалари патологоанатомик ёрилганда қуйидагилар аниқланди:

– юктириш жойи (сон териси ости) нўхатсимон ўлчамда тугун ҳосил бўлган. Кўндаланг кесимида пролиферацияланган йирингсиз тугун аниқланди. Ўпка оч-қизил рангда, структураси яхши сақланган, бир бўлмасида 4 дона чегараланган оқ рангли беда уруғи ўлчамида тугун ҳосил бўлган, кўндаланг кесимида йиринг йўқ. Жигар ўзгармаган, ўт пуфағи суяқлик билан тўлган, талоқ ҳажми бироз кенгайган, бошқа ўзгариш йўқ.



3-4-расмлар. Туберкулёз юктирилгандан сўнг Рифизострепт қабул қилган тажриба гуруҳидаги денгиз чўққаларининг ички аъзолари

Юрак, буйраклар ва ошқозон-ичак трактида ҳеч қандай патологик ўзгариш аниқланмади. Зарарланиш (талоқ) индекси 1,02 %. Қолган денгиз чўққалари ички аъзоларида худди шундай аналогик ўзгаришлар кузатилди. Зарарланиш (талоқ) индекси 1,04 %.

M.bovis-8-03 штамми юктирилган II назорат гуруҳи денгиз чўққалари патологоанатомик ёриб текширилганда, қуйидагилар аниқланди: юктириш жойи йирингли 1-3 см ўлчамда оқ-сарғиш рангли некроз ҳалтаси ҳосил бўлган. Жигар тўқ қизил рангда, ҳажми 2

баробар катталашган, кўп сонли қон қуюлишлар ҳосил бўлган, кўндаланг кесимида паренхимаси тўлиқ казеоз некроз масса билан қопланган, ўт пуфаги тўлишиб кетган. Талоқ юзаси бўртмасимон, ҳажми 6-8 баробар катталашган, диффуз казеоз некроз билан бузилган. Буйрақлар ва ошқозон-ичак трактида патологик жараён кузатилмади. Зарарланиш (талоқ) индекси 3,5 %.

M.tuberculosis №7880 штамми юктирилгандан сўнг 25 кун ўтгач, “Рифизостреп” препарати қўлланилган III гуруҳ ҳайвонлари патологоанатомик ёрилганда, қуйидагилар аниқланди: юктириш жойи (сон тери ости) нўхатсимон ўлчамда тугун ҳосил бўлган, кам микдорда йиринг бор. Ўпка ўчоқли қон қуюлишлар кузатилади, бошқа ўзгариш йўқ. Юрак, талоқ ўзгармаган, кирралари яхши билинади, енгил қиринди кўчади. Жигар ўзгармаган, ўт пуфаги суюқлик билан тўлган, бошқа ўзгариш йўқ. Буйрақлар ҳажми ўзгармаган, кўндаланг кесими ўзгаришсиз, капсуласи енгил ажралади, қон қуюлиш бор, чегаралари яққол билинади.



8-расм. *M.bovis* 8-03 юктирилган назорат гуруҳидаги денгиз чўққасининг талоғи фотосурати



5-6-расмлар. “Рифизостреп” қабул қилмаган назорат гуруҳидаги (*M. bovis*) денгиз чўққаларининг ўпкаси ва жигари



7-расм. “Рифизостреп” қабул қилмаган назорат гуруҳидаги (*M.bovis*) денгиз чўққасининг талоғи

Ошқозон-ичак трактида ҳеч қандай патологик ўзгариш аниқланмади. Қолган денгиз чўққалари ички аъзоларида худди шундай аналогик ўзгаришлар кузатилди. Зарарланиш индекси 1,2 %.

M.tuberculosis №7880 штамми юктирилган IV назорат гуруҳи денгиз чўққалари патологоанатомик ёриб текширилганда, қуйидагилар аниқланди: юктириш жойи йирингли 2-3 см ўлчамда оқ-сарғиш рангли некроз халтаси ҳосил бўлган. Ўпка ҳажми кенгайган, шишган, кўп сонли мош дони ўлчамида казеоз некроз ўчоқлари ҳосил бўлган; юрак ҳажми катталашган, қон қуюлиш ўчоқлари мавжуд, гиперемия кузатилади. Жигар тўқ қизил рангда, ҳажми 3 баробар катталашган, кўп сонли қон қуюлишлар ҳосил бўлган, кўндаланг кесимида паренхимаси тўлиқ казеоз некроз масса билан қопланган, ўт пуфаги тўлишиб кетган. Талоқ юзаси бўртмасимон, ҳажми 4-5 баробар катталашган, диффуз казеоз некроз билан бузилган. Буйрақлар ва ошқозон-ичак трактида патологик жараён кузатилмади. Зарарланиш индекси 3,7 %.

V гуруҳдаги *M.tuberculosis* №7880 штамми юктирилгандан сўнг изониазид препарати қабул қилган денгиз чўққалари патологоанатомик ёрилганда, қуйидагилар аниқланди: I- ҳайвонда ўпка, юрак, талоқ, буйрақлар ва ошқозон-ичак трактида ҳеч қандай патологик ўзгаришлар кузатилмади. Жигар тўқ қизил рангда, ҳажми, зичлиги ўзгармаган, оқ-сарғиш рангли тарик дони ўлчамида 1-2 дона некроз ўчоқлари ҳосил бўлган.

2-ҳайвон ўпкаси ҳажми кенгайган, чап бўлма ва бўлмачаси геморрагик яллиғланган, тарик дони ўлчамида бир дона қаттиқлашган ўчоқ ҳосил бўлган, кўндаланг кесимида бириктирувчи тўқима аниқланди. Қолган ички аъзолари ва лимфа тугунларида патологик жараён аниқланмади.

3-ҳайвон ўпкасида нўхат дони ўлчамида геморрагия ҳосил бўлган. Жигар ҳажми бироз кенгайган, мош дони ўлчамида некроз ҳосил бўлган. Талоқ ҳажми бир оз кенгайган, қолган ички аъзо ва тўқималарида патологик ўзгаришлар аниқланмади.

Тажриба ҳайвонларининг зарарланиш (талок) индекси

Гуруҳ т.р.	ҳайвон тури	бош сони	Преп. дозаси мг/кг	штамм номи	зарарланиш (талок) индекси%
1-тажриба	денгиз чўчкаси	9	10	Bovis 8-03	1,04
2-назорат	денгиз чўчкаси	3		Bovis 8-03	3,5
3-тажриба	денгиз чўчкаси	9	10	M.tuberculosis №7880	1,2
4- назорат	денгиз чўчкаси	3	20	M.tuberculosis №7880	3,7
5-гуруҳ изониазид	денгиз чўчкаси	3	10	Bovis 8-03	0,2

Шундай қилиб, денгиз чўчкаларида ўтказилган тажриба натижасидан кўриниб турибдики, M.bovis 8-03 ва M.tuberculosis штамлари билан юқтирилгандан сўнг 10 мг/кг дозада “Рифизостреп” препарати қўлланилган денгиз чўчкалари ички аъзоларида туберкулёз ривожланмади. “Рифизостреп” препарати 10 мг/кг дозада туберкулёз микобактерияларига қарши фаол бактериостатик ва бактерицид таъсир кўрсатди.

Препарат қабул қилмаган юқтирилган назорат гуруҳи ҳайвонлари ички аъзоларида туберкулёзнинг ривожланган шакли ҳосил бўлди (5-жадвал).

ХУЛОСАЛАР

1. “Рифизостреп” препарати таркибига кирувчи компонентлар кенг доирали антимикроб таъсирга эга.

2. “Рифизостреп” препарати таркибига кирувчи компонентларнинг ўзаро комбинацияси - унинг бошқа бактериостатикларга нисбатан афзаллигини намоён қилди. Бундай комбинация синергетик ва пролонгация хусусиятини берди.

3. “Рифизостреп” препарати фармакокинетикаси микобактериялар, грамманфий (ичак таёқчалари, сальмонеллалар, клебсиеллалар, туляремия ва б.ш.) ва баъзи граммусбат (стафилакокклар, пневмококклар, стрептококклар) микроорганизмларга бактерицид ва бактериостатик таъсир кўрсатади.

4. M. bovis 8-03 штамми билан юқтирилгандан сўнг “Рифизостреп” препарати қабул қилган денгиз чўчкалари ички аъзоларида туберкулёз ривожланмади.

5. 10 мг/кг дозада “Рифизостреп” препарати денгиз чўчкалари организмда вирулент туберкулёз кўзгатувчиларига қарши фаол антибактериал хусусиятини кўрсатди.

6. M.bovis 8-03 ва M.tuberculosis №7880 штамлари юқтирилгандан сўнг препарат берилмаган назорат гуруҳидаги денгиз чўчкалари ички аъзоларида туберкулёзнинг ривожланган (генерализация) шакли ҳосил бўлди.

7. IN VITRO ва IN VIVO экспериментлар натижаларига кўра, янги яратилган “Рифизостреп” препарати вирулент туберкулёз микобактериялари

кўзгатувчиларига қарши самарали антимикроб таъсир кўрсатди ва умидли натижалар олинди.

8. “Рифизостреп” препарати қўллаш ёрдамида қорамоллар туберкулёзига қарши курашиш услуби яратилди. Ушбу услубни жорий этилиши, айниқса қорамоллар туберкулёзи бўйича носоглом сут-товар фермаларини соғломлаштиришда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 11.05.2001 йил. №215-11, 6 бет.

2. Антибиотики, сульфаниламиды и нитрофураны в ветеринарии. Ковалев В.Ф., Волков И.Б. и др./Москва ВО “АГРОПРОМИЗДАТ” 1988.– 222 с.

3. Гарифуллин З.Р. // Материалы юбилейной сессии, посвященной 80-летию ЦНИИТ РАМН, 75-летию со дня рождения акад. РАМН А.Г. Хоменко. — М., 2001. — С. 113 — 114.

4. Донченко Н.А. Усовершенствование средств и методов диагностики и профилактики туберкулеза крупного рогатого скота// Автореф. дис. докт. вет. наук. -Новосибирск 2008. с 36

5. Лысенко А.П. Разработка и внедрение новых методов диагностики и профилактики туберкулеза в Республике Беларусь /А.П.Лысенко, А.Э.Высоцкий, Т.Н.Агеева// Ветеринарная патология-2004-№ 1-2.-С.41-43.

6. Донченко Н.А. Усовершенствование средств и методов диагностики и профилактики туберкулеза крупного рогатого скота// Автореф. дис. докт. вет. наук. -Новосибирск 2008. с 36

7. Лечение туберкулеза: рекомендации для национальных программ.- ВОЗ - Женева, 1998. - Пер. с англ. 77.

8. Лысенко А.П. Разработка и внедрение новых методов диагностики и профилактики туберкулеза в Республике Беларусь /А.П.Лысенко, А.Э.Высоцкий, Т.Н.Агеева// Ветеринарная патология-2004-№ 1-2.-С.41-43.

9. Финкель Е.А., Михайлова Л.В. Биологический метод исследований при туберкулезе. – “Кыргызстан” Фрунзе, 1976. С. 118-149.

10. Ященко Т.Н., Мечева И.С. “Руководство по лабораторным исследованиям при туберкулезе. – М.: Медицина, 1973”

УДК 619.+636.2+636.087.7

Б.Ч. Солиев, мустақил тадқиқотчи, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти,
Б.М. Эшбуриев, проф., илмий маслаҳатчи, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

МАҲСУЛДОР СИГИРЛАРДА РУХ ВА ЙОД ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ГЕМАТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАР ВА РЕПРОДУКТИВ АЪЗОЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ

Аннотация

Маҳсулдор сизирларда рух ва йод етишмовчилиги устунлиги билан кечадиган микроэлементозлар оқибатидаги бепуштликлар пайтида кузатиладиган клиник-гематологик ўзгаришлар ҳамда уларда репродуктив органларнинг ҳолати, жинсий циклни кечиши, оталаниш даражасининг таҳлили баён этилган.

Калим сўзлар: сизирлар, бепуштлик, ареактив жинсий цикл, микроэлементлар, йод, рух, гиперкератоз, лизуха, гипокупроз, сухотка, гипокобальтоз.

Кириш. Йод ва рух етишмаслиги оқибатида сизирлар маҳсулдорлигининг камайиши, ўз вақтида куйга келмаслиги, куйкишнинг яширин кечиши, эмбрионнинг ўлиши, озика сарфи ва ветеринария тадбирлари учун харажатларнинг ортиб кетиши ҳисобидан катта иктисодий зарарга сабаб бўлади.

Шунинг учун қорамолларда микроэлементлар етишмовчилиги касалликларини эрта диагностика қилиш ҳамда гуруҳли профилактика қилиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бўғоз сизирлар озук рационининг микроэлементли қисми (Cu, Co, Mn, Zn) таҳлил қилинганда, хўжаликларда озиклантириш меъёрларига нисбатан миснинг кучли даражада етишмаслиги, шунингдек, кобальт, марганец ва рухнинг етишмаслиги аниқланган [5].

Маҳсулдор сизирларда микроэлементларнинг етишмовчилиги оқибатида кузатиладиган модда алмашинуви бузилишлари турли хил белгилар билан кечади. Масалан, гипокобальтозда кучли даражада ариқлаш (сухотка), гипокупрозда кўз атрофида жунларнинг пигментсизланиши, иштаҳаниннг ўзгариши (лизуха), рух етишмовчилигида эса бепуштлик кузатилади [2,6].

Ўзбекистон шароитида ҳайвонларда йод элементининг етишмовчилигига тупроқ, сув ва ўсимликлар таркибида кальций, магний каби элементларнинг ортиқчалиги ва кобальт, мис, марганец ҳамда рухнинг етишмаслиги сабаб бўлади [5].

Тадқиқотнинг мақсади. Маҳсулдор сизирларда йод ва рух етишмовчилиги натижасида пайдо бўладиган бепуштликларнинг клиник белгилари ва гематологик ўзгаришларини аниқлаш.

Тадқиқотлар жойи, объекти ва услублари. Илмий тадқиқотларнинг экспериментал қисми Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти-

Аннотация

Маҳсулдор сизирларда рух ва йод етишмовчилиги устунлиги билан кечадиган микроэлементозлар оқибатидаги бепуштликлар пайтида кузатиладиган клиник-гематологик ўзгаришлар ҳамда уларда репродуктив органларнинг ҳолати, жинсий циклни кечиши, оталаниш даражасининг таҳлили баён этилган.

нинг ўқув тажриба хўжалиги қорамолчилик фермер хўжалигига қарашли четдан келтирилган симментал зотига мансуб 2-туғим маҳсулдор соғин сизирларда ўтказилди. Хўжаликда танлаб олинган 10 бош сизирда лактациянинг 1-, 2-, 3- ва 4- ойларида клиник, гематологик ва акушер-гинекологик текширишлар олиб борилди.

Тажрибадаги соғин сизирлар рационининг умумий тўйимлилиги, таркиби ва сизирлар организми эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси ўрганилди.

Сизирларда клиник текширишлар орқали умумий ҳолат, иштаҳа, семизлик даражаси, шиллик пардалар ҳолати, тери ва тери қопламаси ҳамда шох, туёқлар ҳолати текширилди. Умумий қабул қилинган усулларда 1 дақиқадаги пульс ва нафас частотаси, 2 дақиқадаги катта қорин деворининг қисқаришлари (руминация) сони аниқланди.

Соғин сизирларда йод, рух етишмовчилиги оқибатидаги бепуштликларда қондаги ўзгаришларни ўрганиш мақсадида хўжаликдаги симментал зотига мансуб 10 бош (эталон ҳайвонлар) сизирдан олинган қон намуналари умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида айрим морфобиокимёвий кўрсаткичлари бўйича текширишлардан ўтказилди.

Соғин сизирлар бўғозлиги ультратовуш текшириш (УТТ) аппарати ёрдамида аниқланди, сервис даврининг давомийлиги, жинсий циклни кечиши, оталаниш фоизи, қисир қолиш кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Олинган натижалар таҳлили. Соғин сизирлар рационининг 35 кг маккажўхори силоси (71,4%), 3 кг буғдой сомони (6,1%), 1 кг беда пичани (2,0%), 6 кг буғдой кепаги (12,2%), 4 кг пахта шроти (8,1%), 200 г бўр, 150 г ош тузидан иборат бўлиб, рационнинг умумий тўйимлилиги 16,9 озика бирлигини ташкил этади. Рациондаги қуруқ модда 20,8 кг, у билан организм эҳтиёжининг таъминланиши 105% ни, хом

протиен - 3632 г, у билан таъминланиш - 153,7% ни, ҳазмланувчи протеин - 2464 г, у билан таъминланиш - 160,5% ни, хом ёғ - 953 г, у билан таъминланиш - 193,5% ни, клетчатка 4728 г, у билан таъминланиш - 97% ни, қанд - 837 г, у билан таъминланиш - 60,5% ни, кальций - 127,6 г, у билан таъминланиш - 113,4% ни, фосфор - 94 г, у билан таъминланиш - 105% ни, каротин - 781 мг, у билан таъминланиш - 48,6% ни, миснинг миқдори 59 мг, у билан таъминланиш - 59% ни, рух - 192,0 мг, у билан таъминланиш - 56,5% ни, кобальт - 7,8 мг у билан таъминланиш - 60,0% ни ташкил этди. Қанд-оксил нисбати 0,34 (меъёр - 0,8-1,2:1), фосфор-кальций нисбати 0,74 (меъёр - 0,8:1) га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар рационнинг такомиллашмаганлиги, ҳазмланувчи протеиннинг ортиқчалиги ва енгил ҳазмланувчи углеводларнинг етишмаслиги ҳамда мис, кобальт, марганец ва кучли даражада рухнинг етишмаслигидан далолат беради.

Сигирлар рационда оксилли озиқаларнинг ортиқчалиги, енгил ҳазмланувчи углеводлар ва клетчатканинг етишмаслиги уларда катта қорин муҳитининг кислоталик томонга ўзгариши, микрофлоралар фаолиятининг пасайиши, шунингдек, микроэлементларнинг ичакларда сўрилишининг ёмонлашишига сабаб бўлиши таъкидланган [1].

Хўжаликда сигирларга фаол мацион берилмаслиги аниқланди. Сигирларда йод ва рух етишмовчилигига боғлиқ бепуштликларнинг клиник белгилари ўрганилганда, уларнинг барчасида семизлик даражаси ўртачадан пастлиги, шиллик пардаларнинг оқариши (анемия) белгилари, сигирларнинг 60 фоизда иштаҳанинг сифат жиҳатдан ўзгаришлари (лизуха), туёқлар ялтироқлигининг пасайиши, деформацияси, бўйин соҳаси терисида бурмалар пайдо бўлиши қайд этилди. Адабиёт маълумотларига кўра, сигирларда микроэлементлар етишмовчилиги (асосан йод, рух ва марганец) пайтида иштаҳанинг камайиши ва ўзгариши, 12-38% ҳайвонда ошқозонлиги бўлимларининг гипотонияси, тери қопламасининг дағаллашиши, тушувчан бўлиши, терида бурмалар пайдо бўлиши (30-32% ҳайвонда) ҳамда орқа оёқ бўғимларининг катталашishi, шох ва туёқларнинг деформацияси аниқланган [2, 4].

